

М а в з у: Оилавий муносабатлар ва унинг хуқуқий асослари.

Режа.

1. Демократик давлатда оилавий муносабатларни тўғри ва адолатли ҳал қилишда Қонуннинг устиворлиги.
2. Оила демократик жамиятнинг таянчи.
3. Оила жамиятнинг асосий негизи.

Тарихдан бизга маълумки, “Авесто” китобида ёзилишича қадимда тахминан бундан 3-3,5 минг йил муқаддам Ўрта Осиё ҳудудларида йирик оилалар ташкил топган. Ўша даврларда уруғ жамоаси (вис)лар ерга эгалик қилганлар ва бир оиллага бирлашганлар. Бора-бора бу оилалар бир-бирларига бирлашиб қабилаларни кейинчалик давлатчилик аломатларини такомиллаштириб борган.

Машҳур файласуф В.Гюго айтганидек, “оила жамиятнинг дуру гавхаридир”. Шунингдек, “Оила табиатнинг шох асарларидан биридир”. Худди шох асар ҳисобланган оилани ўрганиш, илмий жихатдан тадқиқ этиб бориш бугунги куннинг ҳам энг долзарб масалаларидан бўлиб, ҳозирги даврда мустақил Ўзбекистонда бу борада жуда катта маънавий-маърифий тадбирлар олиб борилмоқда. Оила ва оилавий муносабатлар масаласига давлат аҳамиятдаги энг устивор масалаларидан бири сифатида қаралмоқда. 1998 йилни “Оила йили” деб эълон қилиниши бундан далолатдир. Зеро, Президентимиз И.А.Каримовнинг: “Оила” ҳақида гапирар эканмиз, аввалам бор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак авлодлар қандай инсон бўлиб етишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоги эканини тан олишимиз даркор” - деган сўзлари фикримизни янада теранлаштиради.

Хар бир оиланинг келажаги ва истиқболи, унинг мустаҳкамлигига, соғлом турмуш тарзига боғлиқдир. Бу ўз навбатида халқнинг, жамиятнинг истиқболини белгилайди. Шу туфайли оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари мамлакат, жамият манфаати йўлида амалга ошириладиган энг муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онг шаклларида бири - кишиларнинг ҳуқуқга, қонунга, одил судловга бўлган муносабатларини ифодаладиган қарашлари, ғоялари мажмуидир.

Ҳуқуқий онгнинг асосий ғоялари - қонунга мувофиқлик, одиллик, ижтимоий муайян ва меҳнатга ҳурмат халқ, ҳокимият ва изчил демократизм чинакам тенглик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини жамият олдидаги мажбуриятлар билан узвий боғланган ҳолда ривожлантиришдир.

Ёшларда ҳуқуқий онгнинг, унинг асосий ғояларининг шаклланишида оиланинг роли бекиёсдир. Чунки инсон оилада туғилиб, камол топади. Оиласиз жамиятни жамиятсиз оилани тасаввур этиб бўлмайди. Оила бу яшаш-турмуш тартиб қоидалари ва виждон ақидалари асосида миллий анъана, қадриятлар ва ахлоққа таянган муқаддас иттифоқдир.

Оила ижтимоий ходиса. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади. Биробарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Зеро, оила фаровонлиги - миллий фаравонлик асосидир. Шу боисдан кишилиқ жамиятида оиланинг пайдо бўлиш тарихини, ижтимоий моҳиятини, ахлоқий-тарбиявий ролини ва бошқа хусусиятларини ўрганиш ғоят муҳимдир.

Оилашунослик илми ижтимоий фанларда алохида бир тармок сифатида шаклланган. Аслида Куръони Карим ва муқаддас ҳадисларда ўз сарчашмасини олган оилашунослик ҳақидаги қарашлар Абу Насир Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Унсурул Маолий Кайковус, Алишер Навоий ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида бир мунча ривож топди, улар бу масалани, асосан, ота-она ва фарзанд муносабатлари доирасида ташкил қилдилар. Нихоят ижтимоий тафаккур ривожига кўра XIX асрга келиб жаҳон ҷамиятшунослигида оилага қизиқиш янги босқичга кўтарилди. Оила муаммоларига бағишланган қатор тадқиқотлар яратилди. Уларни истиклол мафкураси манфаатлари нуқтаи назаридан ўрганиш ва баҳолаш, шу асосида ўзбек халқида оиланинг вужудга келиши тарихи, моҳияти ва тарихини ҳолисона яратиш долзарб илмий муаммога айланиб қолди.

Юртбошимиз И.А.Каримов ташаббуси билан 1998 йилни 2 феввалида "Республика "Оила" илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида" махсус қарор қабул қилинди. Унда "оилага мансуб бой ва сермазмун илмий аънааларини авайлаб - асраш, уларни умум башарий қадриятлар билан уйғунлайтириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур синдириш йўли билан оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муаммоларини илмий ўрганишни ва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам беришни мувофиқлаштириш тадбирлари" белгилаб берилди.

Энг муҳими "Оила" илмий-амалий марказининг фаолиятидаги асосий йуналишлар қуйидагилардан иборат:

- оила ва ҷамият, оила ва маҳалла муносабатларини, аждодларимиз меросини ўрганиш ва оммалаштириш;

- оиланинг ҳуқуқий саводхонлигини тубдан яхшилиш ва ҳимоялаш бўйича илмий-амалий фаолият кўрсатиш;

- оилада боланинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши, соғлом ўсиши, мактабга тайёрланишида ота-оналарнинг фаолиятларини такомиллашатириш ҳамда масъулиятларини ошириш юзасидан ўқув - услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

- миллий оилавий тарбияда умум инсоний қадриятларнинг ўрнини юксалтириш ва унинг оилада уйғунлашувини таъминлаш;

- оилада, аёл ва болаларнинг ижтимоий-иқтисодий маъқеини акс эттирувчи статистик ахборотларни тўплаш ва умумлаштириш;

- ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашни яхшилаш мақсадида никоҳ уйлари ва саломатлик марказлари ҳузурида махсус ўқув - тарбиявий курсларни ташкил қилиш;

- ёш авлодда маънавият, маданият, маърифатни янада юксалтириш орқали оилада Баркамол авлод тарбиялашнинг энг самарали, маъқул усуллари излаш ва ишлаб чиқариш;

- оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, демографик ҳусусиятларини илмий асосда ташкил қилиш;

- оила ва ҷамият муаммоларига ва уларнинг ечимига оид ўқув услубий қўлланма, илмий оммабоп рисоалар яратиш қабилардир.

Шуниси эътиборлики, жахоннинг бирорта мамлакатада оила ва унинг муаммоларига бу қадар изчил ва кенг қамровли илмий асосда ўрганиш ва ечишга киришилганлигини тарих билмайди.

Ўзбекистонда оила фаолияти саодати Ватан ва халқ саодати негизи тарзида тушунилганидан шундай оқилона йўл тутилди. Бунинг яққол далили сифатида "Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси"нинг қабул қилинганлигидир.

Бу Қонун демократик давлатда оилавий муносабатларни тўғри ва адолатли хал қилишга изим беради: айти замонда ўзбек халқи тарихида оилани мустахкамлаш ва унинг манфаатларини илмий амалий анъаналар ҳамда жахондаги илғор назарий - ҳуқуқий қарашларининг ўзаро синтези негизида химоя қилиш асосларини яратувчи илк қонун бўлади, албатта.

Юқорида таъкидланганлардан икки хулосага келиш мумкин. Биринчи ва энг муҳими - Ўзбекистонда оилани мустахкамлаш ва унинг манфаатларини химоя қилишга бу қадар изчил ёндашилаётганлиги ҳамда давлат аҳамиятига эга сиёсат даражасига кўтарилаётганлиги аслида унинг иқтисодий ижтимоий, ҳуқуқий - маърифий фаолиятини белгилаб берган қонунлар қомуси "Ўзбекистон конституцияси"да ифодасини топган.

"Оила жамиятнинг асосий бўғинидир, ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга", деган 63-моддасига оғишмай амал қилинаётганлигининг оқибати ҳисобланади.

Оила йилида "Оила кодексининг" қабул қилинганлиги муҳим бир ходиса бўлди. Аслида бу ҳужжат "Оила" сўзининг "Никох" сўзига нисбатан кенгрок маъно англатиши ҳисобга олиниб, амалда қўлланиб келинган "Оила ва никох" кодексини янгилаш, тўлдириш ва мукаммаллаштириш асосида тартиб берилиб, Олий мажлиснинг X сессиясида биринчи ўқишда тасдиқланиб, умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган эди. Нихоят Олий мажлиснинг XI сессиясида тушган таклифлар асосан таҳрир этилиб, иккинчи ўқишда қабул қилинди. Албатта, бу кодекс аввалгисидан ҳам ҳажм, ҳам мазмун жиҳатдан бир мунча фарқ қилади ва қатор афзалликларга эга.

Айтайлик, "оила ва никох" кодекси 275-моддани ўз ичига олган олти бўлимдан иборат бўлса, "Оила" кодекси 238-моддадан тартиб топган саккиз бўлимдан иборат.

"Умумий қоидалар" деб аталувчи бўлимнинг саккиз моддаси "оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарининг қўлланиши" ҳақида бўлиб, жумладан, бу масала шундай ифодаланган: "Қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тамойилларига зид бўлмаган маҳаллий урф – одат ва анъаналар қўлланилади".

Бунда ўзбек халқида келин - куёвга эскича никох ўқитиш, шунингдек Республикамизда яшовчи бошқа халқлар, жумладан, русларда черковда никох ўқитиш, туркларда эса никох туйидан кейин ҳурмат белгиси сифатида келин-куёвни маълум муддат давомида оила аъзолари билан гаплашмай юришлари сингари анъанавий удумлар кузда тутилган.

Иккинчи бўлим никох масалаларига бағишланган бўлиб, никохни тузиш тартиби ва шартлари, эр - хотирнинг шахсий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари,

мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Мол-мулкнинг шартномавий тартиби, никоҳнинг тугатилиши ва унинг ҳуқуқий эмаслиги ҳолатларини акс эттиради.

Учинчи бўлимда қон - қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш, туртинчи бўлимда ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Конституциямизнинг 64-65 моддалари мантикида келиб чиққан ҳолда қонунлаштирилган.

Шунингдек, унда қариндошлик тушунчасига ҳам алоҳида тухталиниб, инсонларнинг бир-бирига яқинлари тўла ва тўла бўлмаган қариндошлик тарзида намоён бўлиши асослар берилганки, бу, ўз навбатида, мерос масаласини, шунингдек қондош ва ўғай ака-ука ҳамда опа-сингиллар муносабатларини тартибга солишда жиддий аҳамиятга эга.

Бешинчи бўлимда оила аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг алимент хусусидаги мажбуриятлари, олтинчи бўлимда ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларни жойлаштириш шартлари, еттинчи бўлимда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш ва нихоят, саккизинчи бўлимда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида оилавий муносабатларни тартибга солиш муаммоларидар баҳс этади.

Шуни қайд этиш керакки, оила кодексининг асосий вазифалари оила мустаҳкамлаш, ҳурмат ва ҳамжихатлик асосларида ташкил қилиш, аъзоларининг уз ҳуқуқлари амалга оширилиши, суд оркали химоя қилинишини таъминлашга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам Кодекс лойиҳасининг салмоқли қисми никоҳ муносабатларидан келиб чиққан масалаларини тартибга солишга бағишланган. Уларда никоҳ тузиш тартиби ва шартлари, оиладаги мулкий ва номулкий ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятлар никоҳнинг бекор қилиниши, унинг ҳақиқий эмас деб топилиши билан боғлиқ қоидалар ўз ифодасини топган.

Кодекс лойиҳаси Ўзбекистон Конституциясининг оилага бағишланган махсус бобига асосланган ҳолда ишлаб чиқилди. Жумладан, оила давлат ва жамиятнинг муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги конституциявий принцип лойиҳанинг тўртинчи моддасида уз ифодасини топган.

Оила жамиятнинг энг ишончли ва асосий бўғини бўлиб, унинг раънакидан, ҳар бир юрт манфаатдордир. Мустақил Ўзбекистон шароитида 3,5 миллиондан зиёдроқ оила мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси қонун нуқтаи назарида химоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида шундай дейилган: "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир. У жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64,65,66, моддаларида ота-она ва фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчлари белгиланган. Конституцияда қайд этилганидек, оила давлат муҳофазасида экан, ўсиши иқтисодий, ижтимоий жихатдан тўла қафолатланган. Оила ҳаётнинг барча жабахаларида мавжуд бўлади ва жамиятга ўз таъсирини кўрсатади.

Маълумки ҳар бир ўзбек оиласида фарзанд дунёга келган кундан бошлаб унинг тарбияси ва қамолотиға аҳамият берилади. Жумладан, 71-моддада ота-она ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тенглиги, 73-моддада ота-онанинг

болаларга таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 74-моддада болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 79-81-моддаларидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва унинг оқибатлари ўз аксини топган. Ота-онанинг болалар тарбияси ва маънавий камолоти учун жавобгарлиги қонун йўли билан мустаҳкамланган.

Болаларни ўстириб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш жиддий ва ҳаддан ташқари масъулиятли ишдир.

Буларнинг барчаси оила зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Оилада ота-она қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлса, болалар тарбиясида уларнинг шунга амал қилишларини ўргатсалар, уларнинг онгига сингдирсалар, улар шубҳасиз Республикамизда ҳуқуқий демократик давлат қурилишига ўз ҳиссаларини қўшган бўладилар.

Жамият мавқеи ва ривожига кўп жихатдан оила барқарорлигига боғлиқ, шунинг учун ҳам оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, унинг манфаатларини қонуний ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бугуннинг асосий вазифасидир.

Халқаро амалиётни эътиборга олган ҳолда кодекс лойиҳасининг 30-моддасида биринчи марта никоҳ шартномасини тузиш ҳақида тушунча берилган. Унга кўра никоҳ тузаётган ёки никоҳда бўлган шахслар никоҳ даврида ёки никоҳ бекор қилинган тақдирда мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи шартнома тузишлари мумкин. Умумий қоидалар бўйича (лойиҳанинг 23 моддаси) никоҳда бўлган шахсларни турмуш даврида ортирган мулклари умумий бўлиб ҳисобланади. Бунда улардан бири уй рўзгор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш ёки узурли сабабларга кўра мустақил иш ҳақиға - ўз даромадига эға бўлмаган ҳолати инобатға олинмайди. Умумий мулкда уларнинг ҳиссалари тенг бўлиб, ҳисобланади. Никоҳ шартномасида эға ихтиёрий равишда умумий мулкдаги уларнинг ҳиссаси ўзгача белгиланиши мумкин. Бу қоидада никоҳ бекор қилинганидан кейин юзаға келадиган оқибатларнинг олдини олиш, Оиладаги мол-мулкларға боғлиқ низоларни бартараф этиш ўз аксини топган.

Лойиҳада никоҳнинг бекор қилиниши расмийлаштиришни қоида сига тегишли ўзгартириш киритилган, яъни шу ҳол содир бўлгандан сўнг, суднинг қарори бу туғрисида давлат органлари томонидан бериладиган гувоҳномада тенглаштирилган. Амалдаги кодекс бўйича эға суд қароридан сўнг мажбурий равишда гувоҳнома олиниши шарт.

Кодекс лойиҳасига "қон - қариндошлик ва фарзандларнинг насл-насабини белгилаш" ҳақидаги янги бўлим киритилган. Кодекснинг 57,58,59 - моддаларида қариндошлик ва қайинбувичилик, қуда-андачилик тушинчалари берилган бўлиб, бундай меъёрлар амалдаги кодексда мавжуд эмас.

Туғри шажара бўйича қариндошлар ён шажара бўйича қариндошларға нисбатан яқинрок бўлиб ҳисобланади.

Эр (хотин) ва унинг яқин қариндошлари билан хотин (эр) қариндошларининг бир-бириға нисбатан муносабатлари (қуда-андачилик ва қайин-бувичилик) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

Кодекснинг III бўлим 10 боби болаларнинг насл насабини белгилаш ўз ифодасини топган. Лойиҳанинг 60-моддасида боланинг насл-насабини

белгилаш асослари, 64-моддада эса ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида фикр юритилган. Ота-она ва фарзандларнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатлари ҳам тушинарли тарзда белгилаб ўтилганлиги оилада мукаммалик пойдеворига асос солинганлигидан далолатдир. Кодексда ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида бўлим сифатида кўрсатилган. Унда вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари, ота-онанинг шахсий номулкий ҳуқуқий ва мажбуриятлари, ота-она ҳамда болаларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган. Жумладан, 65-модда боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи. Хар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхурлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга. 67-модда боланинг химояга бўлган ҳуқуқи. Бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини химоя қилиш ҳуқуқига эга. Вояга етмаган бола қонунга мувофиқ тўла муомила лаёқатига эга деб эътироф этилса, у ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини шу жумладан химоя ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳақлидир. 68-модда боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи, 69-модда боланинг исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқи белгиланган.

Лойиҳанинг 71-моддасида ота-она ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглиги, 73-модда ота-онанинг болаларга таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 74-моддасида эса болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш бўйича ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Вояга етмаган ота-она ўз боласи билан бирга яшаш ва унинг тарбиясида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт. Ота-она ўз болаларини тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларини соғлиги, жисмоний, рухий, маънавий ва ахлокий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт. Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга. Ота-она болаларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт.

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш уларнинг ота-онаси зиммасига юклатилади. Ота-она ўз болаларининг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ҳамда хар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларнинг химоя қиладилар. Ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас.

Лойиҳада ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва уни чеклаш асослари ҳамда бундай судда куриб чиқиш тартиби аниқ равшан белгилаб куйилган. 79-моддада ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, яъни улардан бири куйидаги ҳолларда;

- ота-оналик мажбуриятлардан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа;

- ота-оналик ҳуқуқини суъистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз -муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса, ёки рухий таъсир кўрсатса;

- муттасил ичкиликбозлик ёки гиёхвандликка мутлако бўлган бўлса;
- узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасидан олишдан бош тортса;

- ўз болаларининг соғлигига ва ҳаётига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Лойихада шунингдек, оилада ота-она ҳамда болаларнинг мулкӣ ҳуқуқӣ муносабатлари аниқ равшан белгилаб берилган. Ота-она ҳаётлигида болалар уларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмасдир. Ота-она ва болаларнинг улар ўртасидаги умумий мол-мулкга бўлган мулк ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси билан белгиланади.

Ота-она ва болаларнинг алоҳида-алоҳида мулки бўлиши мумкин ва бирга яшаб турганда улар бир-бирларининг розилиги билан бундай мулкка эгалик қилишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин. Вояга етмаган, қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк эгаси бўлиш ҳуқуқига эгадир. Вояга етмаганларнинг шахсий фойдаланишидаги буюмлари (кийим-кечак, ишлаб чиқариш қуроллари, ўқув анжомлари кабилар) уларнинг хусусий мулки ҳисобланади.

Бундан ташқари: ота-она болаларнинг алиментга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув тузилиши мумкинлиги ҳақида янги боб лойихага илк даъфа киритилган бўлиб, унда алимент тўлаш тўғрисидаги шартнома тузиш, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тартиби ва шакли белгилаб қўйилган. Бундай шартнома ёзма равишда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши кўзда тутилган. Лойиханинг 96.97, 98-моддаларида ота-она ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқи ва мажбуриятлари, ота-онанинг вояга етмаган болаларга таъминот бериш мажбуриятлари ўз ифодасини топган. Ота-она вояга етмаган болаларга таъминот бериши шарт. Вояга етмаган бола таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (онадан) суднинг ҳал қилув қарорига асосан алимент ундирилади. Вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир.

Лойихада ота-она паноҳида бўлишдан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш, васийлик ва хомийлик, болаларни оилага тарбияга олиш, (патронат) билан боғлиқ нормалар баён қилинган. Бунда давлат ва жамият, етим болалар ҳамда ота-она васийликгидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш ҳақидаги Конституциявий меъёр эътиборга олинган.

Кодекснинг саккизинчи бўлими фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишга қаратилган бўлиб, унда фуқаролик ҳолати далолатномалари, туғилишини қайд этиш тартиби ва муддатлари, никоҳ тузилганлигини қайд этиш, эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлганда никоҳдан ажралишини қайд этиш, ўлимни қайд этиш тартиби, фамилия, исми ва ота исмини ўзгартириш. Далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш, белгилаб берилган. Фуқаролик ҳолати далолатномалари - фуқаролар ҳаётидаги туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш каби воқеа ҳамда фактларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланишидир. Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исми ва ота исмини ўзгартириш каби

воқеа ва фактлар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган фуқаролик ҳолатлари далолатномаларига тегишли ўзгартиришлар киритишда ифодаланади.

Кодекснинг саккизинчи бўлими чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, унда чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг оилавий муносабатлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тузилган никоҳларни эътироф этиш, никоҳдан ажратиш. Фарзандликка олиш, чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмунини аниқлаш кабилар аниқ равшан белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар унинг ҳудудида оилавий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар.

Юқорида кўрсатиб ўтган Кодекс лойиҳасини тайёрлаш сабабларидан бири амалдаги никоҳ ва оила кодекси 1969 йилда қабул қилинган бўлиб, унинг кўпгина меъёрлари давлатимизда содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ўзгаришларга мос келмай қолди. Олий Мажлис томонидан янги фуқаролик-процессуал, меҳнат кодекслари ва бошқа бир қанча муҳим қонунларнинг қабул қилиниши мазкур кодекс лойиҳасини тайёрлашни тақозо этди.

Оила кодексининг фарқ қиладиган биринчи томони шундаки, унда, юртимизда асрлар давомида сақланиб келинаётган миллий кадриятлар, анъаналар ҳисобга олинган бўлиб, улар оилавий муносабатларни мувофиқлаштиришнинг асосий томоийллари билан деб эътироф этилган. Иккинчидан оила ва никоҳ борасидаги муносабатларнинг асл моҳиятига инсонпарварлик, демократик ва тенг ҳуқуқийлик томоийллари сингдирилган. Унда ўзбек оиласининг маънан баркамол авлодни тарбиялашдаги мавқеи ҳар қачонгидан юқори босқичига кўтарилган. Оила кодекси лойиҳаси барчага ҳар бир оилага бевосита алоқадорлиги билан диққатга сазовардир.

Шуни қайд этиш керакки, оила кодексининг асосий вазифалари оилани мустаҳкамлаш, ҳурмат ва ҳамжихатлик асосида ташкил қилиш, аъзоларнинг ўз ҳуқуқлари монесиз оширилиши, суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам Кодекс лойиҳасининг салмоқли қисми никоҳ муносабатларидан келиб чиқадиган тартибга солишга бағишланган. Уларда никоҳ тузиш тартиби ва шартлари. Оиладаги мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятлар, никоҳнинг бекор қилиниши, унинг ҳақиқӣ эмас деб топилиши билан боглик қоидалар ўз ифодасини топган.

Маълумки, оила ота-она ва фарзандлардан таркиб топади. Вақт ўтиб унинг сафига келин-куёвлар, невара, чевара, эваралар қўшилиб, кенгаяди. Оила турмуш чоррахаларида тобланади, шаклланади, обрӯ козонади ёки аксинча.. Оиладаги иқлим мутадилми, демак униб усаётган уғил-қизлар ҳам ҳаётдан ўз ўринларини топадилар. Ота-боболаримиздан бизга қадар етиб келган кадриятлар оилада қадрланадими, демак, унинг аъзолари турли иллат ва ёмонликлардан йирок юришади. Урф-одатларимизга ҳурмат билан қараладими, демак ўша хонадон камол топади.

Оила жамиятнинг асосий негизи. Унинг асосида жамият ривожланади, истиқболга юз тутаяди. Бинобарин, оила жамият ускурмаларидан бири. Шу ўринда бир донишманднинг куйидаги сўзлари эсга тушади: "Ўйланиш - ўз ҳуқуқларини икки маротаба камайтириш эвазига ўз бурчларини икки маротабага ошириш демакдир". Шунинг учун туйғуларимиз ҳам "Ўзларидан кўпайсин" "кўша қаришсин", "ували жували бўлишсин", "фарзандларининг орзу хавасларини кўришсин" каби ниятлар билан бошланади. Айнан шу тилаклардан келиб чиққан ҳолда Кодекснинг 73.74.75 -моддаларида ўз ифодасини топган.

Президентимиз И.А.Каримов "Давлат жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммоларига тўхталиб шундай деган эди: "Оила жамият асоси, маҳалла Миллий қадриятлар белгиси. Аҳил хонадонда, маърифатли маҳаллада, инсонпарвар жамиятда зукко йигитлар, оқилона қизлар, умр бўйи элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган комил фарзандлар улғаяди."

Бола тарбиясида, унинг комил инсон бўлиб етишида оиладаги муҳит катта аҳамиятга эга. Оиланинг мустаҳкам бўлишига салбий таъсир этувчи муаммолардан бири ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги туфайли жуда кўп ёш оилавий ажралишлар жамиятнинг нафакат иктисодиётига, балки маънавий-ахлоқий, руҳий муносабатларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Ажралиш ёш авлод тарбиясида ноҳуш асоратлар қолдиради. Улар оддий ва бошқа ижтимоий жихатлардан давлат томонидан етарли таъминланганлигига қарамай, ўз ота-оналари бағрида вояга етган болаларда ахлоқий, руҳий жихатдан анча фарқ қилади.

Энг ачинарли томони шундаки, оилавий ажралишлар туфайли тирик етимлар сони ортиб бораётганлигидир. Ўзбекистонда шу кеча кундузда меҳрибонлик уйда тарбияланаётганларнинг 80 фоиздан ортиғи тирик етимлардир. Шунинг алоҳида айтиб ўтиш лозимки, оилавий низола, келишмовчиликлар туфайли болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчилик, ўз жонига қасд қилиш, алкоголизм ва шу каби иллатларнинг ортиб бориши бунинг яққол далилидир.

Мамалакатимизда ҳуқуқий жамият қуриш учун кураш кетаётган бир даврда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги ёшлар ҳақ-ҳуқуқларини, бурч ва вазифаларини тўлиқ биладилар деб айта олмаيمиз. Бунинг учун ўрта махсус ва олий ўқув юртларида таълимни миллий дастур асосида ислох қилишда инсон ҳуқуқлари бўйича, бурч ва мажбуриятларини англаш бўйича ўқитиш тизимини қайта ташкил этиш, оила маҳалла ва жамиятчилик орасида ҳуқуқий тарбия ишларини самарали шакллантириш усулларида кенг фойдаланиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И.А.Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч”. Т. Маънавият 2009 й.
2. Юртбошимиз И.А.Каримов ташаббуси билан 1998 йилни 2 феввалида "Республика "Оила" илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида" махсус қарори.
3. "Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси"
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
5. "Оила ва Никох" кодекси.
6. Интернет маълумотлар.